



## ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ОМИЛИДИР

**Тохиров Шухрат Ниёз ўғли -**  
*Фискал институт таянч докторанти*

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a12](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a12)

**Аннотация:** мақола оларининг ишлаб чиқарилган инвестиция сиёсати ва унинг иқтисодий ўсишига таъсирни масалалари ёритилган. Шунингдек, “инвестиция”, “инвестицион фАОЛЛИК” каби тушунчаларининг иқтисодий аҳамияти очиб берилган. Мамлакатимизда инвестициянинг ўсиш тенденцияси маълумотларга таянган ҳолда очиб берилган.

**Калим сўзлар:** инвестиция, инвестиция сиёсати, инвестиция фаолияти, инвестицион мұхит, инвестицион фАОЛЛИК.

### ИНВЕСТИЦИИ И ИНВЕСТИЦИОННАЯ АКТИВНОСТЬ ЯВЛЯЮТСЯ ФАКТОРАМИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

**Тахиров Шухрат Нияз угли -**  
*Докторант Фискальный институт*

**Аннотация:** В статье освещены вопросы инвестиционной политики в нашей стране и ее влияние на экономический рост. Также раскрывается экономическое значение таких понятий, как «инвестиции» и «инвестиционная деятельность». На основе данных выявлена тенденция роста инвестиций в нашу страну.

**Ключевые слова:** инвестиция, инвестиционная политика, инвестиционная деятельность, инвестиционный климат, инвестиционная активность.

### INVESTMENTS AND INVESTMENT ACTIVITY ARE FACTORS OF ECONOMIC GROWTH

**Takhirov Shukhrat Niyaz ugli -**  
*Doctoral student of the Fiscal Institute*

**Abstract.** The article highlights the issues of investment policy in our country and its impact on economic growth. The economic meaning of such concepts as "investment" and "investment activity" is also revealed. Based on the data, a trend of growth in investment in our country was revealed.

**Key words:** investment, investment policy, investment activitts, investment climate, investment activity.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидағи нутқида инвестицияларни иқтисодиётимиздаги аҳамияти түғрисида қуйидагиларни такидлади: “Тўққизинчидан, Ўзбекистонда “ягона дарча” тамойили асосида хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиб, сармоядорларга ҳар томонлама кўмак берадиган, барча ҳудуд ва тармоқларни қамраб олган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолияти йўлга кўйилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошиб, охирги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг хисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани мамлакатимизда 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратишга муносаб ҳисса бўлиб кўшилди” [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мамлакатимизда мавжуд имкониятлар захираларни алоҳида қайд этди: “Ўзбекистон кўплаб фойдалари қазилмалар захираси бўйича дунёning юқори ўринда турал-

диган 20 та давлати қаторига киради. Жумладан, мамлакатимиз олтиннинг ресурс базаси бўйича дунёда – 2-ўринни, мис бўйича – 7, вольфрам бўйича – 8, кумуш бўйича – 9, уран бўйича 12-ўринни, табиий газ ишлаб чиқариш соҳасида эса 16-ўринни эгаллади. Ана шундай бой хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаган ҳолда, келгуси 5 йилда кимё ва газ-кимё, мисни қайта ишлаш, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва кўплаб бошқа соҳаларда 120 миллиард долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ лойиҳалар ишлаб чиқилган”.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам инвестицияларни иқтисодиётимизга жалб қилиш ўз аксини топган: Мамлакатда инвестиция мұхитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш. Инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмларини ошириш бўйича, “пастдан-юқорига” тамойили асосида, янги тизимни йўлга кўйиш. 2026 йилгача Хорижий ва маҳаллий инвестицияларни

жалб этиш стратегиясини амалга ошириш. Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш [2].

**Адабиётлар шархи.** Мамлакатимизда инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-598-сон қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонунда инвестициялар ва инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган асосий тушунчаларнинг таърифлари келтирилган. Жумладан, "инвестиция сиёсати — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва унинг алоҳида тармоқларида инвестицияларнинг зарур даражасини ва тузилмасини таъминлашга, инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция манбаларини топишга ва улардан фойдаланишнинг устувор тармоқларини аниқлашга йўналтирилган инвестициявий фаолигини оширишга доир ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуи;

инвестиция фаолияти — инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

инвестициялар — инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

маблағларни, шу жумладан пул маблағларни (шу жумладан чет эл валютасини), мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни;

кўчар ва кўчмас мол-мulkни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни);

интеллектуал мулкка доир мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўнікмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида тақиқланмаган бошқа қимматликларни"[3] Конунда инвестицияларга батафсил таъриф берилган.

Энди инвестицияга луғатларда берилган таърифлар ва иқтисодчиларнинг фикрларини таҳлил қилиб кўрамиз.

Россия Федерацияси қонунчилигида ушбу атамага берган таъриф: "Инвестиция фаолияти-фойда олиш ва (ёки) бошқа фойдали самарага эришиш мақсадида инвестицияларни киритиш ва амалий ҳаракатларни амалга ошириш"[4]

ҚОМУС.ИНФО луғатида (2022) инвестицияга қуйидагича таъриф берилган: инвестиция (лот. инвестио — ўраш) — иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатида ёки чет элларда турли тармоқларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узок, муддатли капитал киритиш (қўйиш). Пулнинг вақт (замон)га боғлиқ қиймати назариясига кўра, Инвестиция келажакда наф олиш мақсадида маблағлар қўйишdir. Инвестиция капитални муайян муддатга боғлашни ёки банд қилишни билдиради. Бундан асосий мақсад капитал қийматини саклаб қолиш ёки бўлмаса капитал қийматини вақтда ўстириб боришdir.

Катта энциклопедия луғатида (2022) инвестиция қуйидагича эътироф этилган: "инвестициялар" иқтисодиёт тармоқларига узоқ муддатли капитал сифатидаги ички ва чет эл қўйилмаларидир.

О.Д.Рафиков (2014) инвестицияни "Инвестиция деганда даромад олиш мақсадида юридик ва жисмоний шаҳсларнинг барча турдаги мулкий, молиявий интеллектуал бойликларни иқтисодиётни турли тармоқларига узоқ муддатларга йўналтириш ва шу билан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда аҳоли талабларини қондириш тушунилади" - деб таърифлайди.

Н.Р.Қўзиеванинг (2006) ёзишича, инвестициялар келажакда фойда яратиш мақсадида иқтисодий ресурсларни узоқ муддатга ишлатиш деб ҳам тушунилади.

Ш.И.Мустафоқулов (2017) инвестицияга қуйидаги таърифни беради: "Инвестиция — муайян фаолият тури бўйича ўз мақсадига эришиш учун инвестор томонидан киритилган ва пулда ифодаланган фуқаролик ҳуқуқининг турли объектлари".

С.Б.Махмудовни (2020) қайд этишича, айрим адабиётларда ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни ривожлантириш, фойда олиш ёки бошқа пировард натижалар олиш мақсадларида турли тармоқлар, инвестицион лойиҳаларга молиявий, мулкий ва интеллектуал неъматлар қўйилмаларининг жами турини инвестициялар деб аталади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда инвестицияларга қуйидаги таъриф бериш мумкин: инвестициялар - даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мulk, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар, пул қийматига эга бўлган бошқа ҳуқуқлар.

Инвестицияларни илмий жиҳатдан ўрганиш жараёнида инвестицион мұхит, инвестицион фаоллиқ, инвестицион жозибадорлик каби тушунчаларга дуч келамиз. Бу тушунчаларнинг баъзиларига түхталиб ўтамиз.

Ш.Мустафакуловнинг (2017) фикрича, инвестицион мұхит – инвестицион жараёнлар амалға ошадиган шароит бўлиб, у худуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳукуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади.

Д.Б.Крутскихнинг (2011) ёзишича, инвестициявий фаолик иқтисодий категория сифатида инвестициялар таркибининг ўсиши ва такомиллаштирилишини, уларни қўллашнинг истиқболи йўналишларини кенгайтиришни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий параметрларини яхшилашни таъминлайдиган иқтисодий ва ташкилий муносабатлар мажмуудир.

Э.А.Салюхованинг (2013) қайд этишича, ташкилотнинг инвестициявий фаоллиги кенгроқ тушунчадир. Бу ташкилот фаолиятининг шундай ўзига хос хусусияти бўлиб, у хоўжалик юритувчи субъектнинг нафақат иқтисодий барқарорлигини, мұхим ривожланиш салоҳиятига эга эканлигини, балки самарали инвестиция қилинадиган бўш маблағларнинг катта миқдорига эга эканлигини кўрсатади.

Л.Н.Салимовнинг (2009) эътироф этишича "... кенг маънода инвестициявий фаоллик - бу

бир томондан, инвестицион имкониятларнинг, иккинчи томондан, инвестиция фаолиятининг берилган якуний мақсадига эришиш эҳтимоли даражасининг мураккаб динамика ўзаро таъсирининг ҳақиқий натижасидир".

М.В. Маркусенконинг (2015) қарашича, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллиги жамғармалар даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари, мамлакат бюджетининг ҳолати, инфляция даражаси, тўлов баланси ва бошқа бир қатор омиллар билан белгиланади.

В.Ананьинанинг (2022) фикрича, инвестициявий фаоллик - фақат инвестиция фаолияти доирасида фойдаланиладиган мустақил иқтисодий категория, у: компаниянинг инвестиция фаолиятининг ўзгарувчанлик даражасини тавсифловчи ва тавсифловчи индивидуал макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро боғлади;

инвестицияларни жалб қилиш динамикасини ва уларнинг тузилишини акс эттиради.

**Таҳлил ва натижалар:** Инвестицион фаоллик куйидагиларни ўз ичига олади: инвестиция капиталини концентрациялаш ва тақсимлаш, ишлаб чиқариш фаолиятини интеграциялаш, тўғридан-тўғри ва портфелли инвестицияларни ривожлантириш, инвестиция дастурларини амалга оширишнинг ташкилий омиллари ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушуришни фаоллаштириш. Тадқиқотлар натижасида инвестицион фаолликни характерловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди (1-расм).



**1-расм. Инвестиция фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар**

С.В.Цухло (2022) инвестицион фаолликка таъсир этувчи омиллар тўғрисида қўйидагиларни қайд этди, инвестицион фаолликнинг энг кенг тарқалган чеклови "ўз молиявий ресурсларининг етишмаслиги" бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. 2022-йилда бу омил корхоналарнинг 54 фоизининг инвестицион фаоллигига тўсқинлик қўлмоқда. 2021 йил билан таққослаганда, ўз молиявий ресурсларининг етишмаслиги тез-тез тилга олинди - бир йил олдин буни корхоналарнинг 45 фоизи қайд этган.

Ўрганишлар натижасидан кўриниб турибдики, кейинги йилларда яқин қўшни давлатлар вакиллари инвестициявий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инвестицион муҳитни мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик ва коопeraçãoциини йўлга қўйиш орқали ўз иқтисодий аҳволини яхшиламоқда.

Инвестицион фаоллик, айниқса, Қозогистон, Озарбайжон, Беларусь, Ўзбекистон каби худудларда яққол кўзга ташланади. Бу иқтисодиётдаги ўсиш сўнгги йилларда қисман трансмиллий компаниялар инвестициялари ҳисобига кескин тезлашди. 2022 йилда МХО бошланганидан кейин хорижий компанияларнинг Россиядан оммавий чиқиб кетиши бу жараённи кучайтиради. Мамлакатимизга чет эл инвестицияларни киритишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш;

чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

интеллектуал мулкка, шу жумладан муаллифлик хукуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек ишчанлик ну-фузига (гудвиллга) хукуқлар киритиш;

концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш;

савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк хукуқини, шунингдек ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қи-

лиш ва улардан фойдаланиш хукуқларини сотиб олиш орқали.

Хориж инвесторлар инвестиция киритишнинг қайси шаклини самарали деб ҳисобласа, ўша шаклдан кенг фойдалапнишади. Амалиётда инвестициялар киритишнинг турли шаклларини бирлаштириш воситасида амалга оширилиши ҳам мумкин.

2021-йил якунига кўра, Қозогистонга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ялпи оқими 23,7 миллиард долларни ташкил этди (2020 йилга нисбатан 37 фоизга кўп). 2021 йилда Озарбайжон иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестициялар 4,7 миллиард долларни ташкил этди (2020 йилга нисбатан +4,2 фоиз). Беларусь Республикаси Миллий статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилда республикага киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 6,6 миллиард долларни ташкил этди (2020 йилга нисбатан 9 фоизга кўп). Татаристон Республикаси Россиянинг энг иқтисодий ривожланган субъектларидан бири ҳисобланиб, йилига 1,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қиласди. «Татаристон-2030» стратегиясида бу кўрсаткични 2030 йилга қадар 5,7 миллиард долларга олиб чиқиш ва инвестицион лойиҳалар учун қўшимча 8,6 триллион рубль (100 миллиард доллар) дан кўп маблағ сарфланиши режалаштирилган. Республика инвестицион фаоллик бўйича Россиянинг етакчи учталигига киради.

Ўзбекистонда 2022 йил 1 сентябрь (2022) ҳолатига кўра фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 14 706 тани ташкил этмоқда. Қайд этилишича, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 617 тага ошган. Хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сонига кўра, энг кўп Россия (2 762 та), Туркия (2 071 та) ва Хитой (2 044 та) ҳисобига тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатда қўйидаги хорижий давлатларнинг ҳам корхоналари фаолият кўрсатмоқда:

- Қозогистон – 1 195 та;
- Жанубий Корея – 910 та;
- АҚШ – 320 та;
- Қирғизистон – 291 та;
- Тоҷикистон – 283 та;
- Озарбайжон – 247 та;
- Германия – 213 та;
- Туркменистон – 171 та;
- бошқалар – 4 199 та.

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар 1-жадвалда келтирилган.

**2017-2021 йилларда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар  
миқдори (млрд. сўм) [5]**

Худудлар	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	72155.2	124231.3	195927.3	210195.1	239552.6
Қорақалпогистон Республикаси	2822.0	6757.8	8750.6	7089.8	8110.7
Андижон	2986.0	4711.9	7452.1	9622.6	11176.6
Бухоро	11613.4	9610.9	10366.6	12183.9	20528.3
Жиззах	1788.2	3606.3	7900.9	12545.4	9233.6
Қашқадарё	11175.3	16518.5	24462.5	20557.6	17359.1
Навоий	3977.9	10579.5	17646.3	15688.4	15020.1
Наманган	3586.7	8158.1	12084.9	12007.2	12982.0
Самарқанд	4384.2	7061.4	10266.7	14656.4	15641.6
Сурхондарё	3551.0	7240.6	11835.1	10068.2	12037.8
Сирдарё	1628.0	2699.3	5869.1	7191.9	8051.8
Тошкент	5938.4	11226.9	20353.9	21148.6	28113.6
Фарғона	2954.5	5539.1	8685.4	11040.0	12625.2
Хоразм	2175.9	3013.8	5032.0	5391.8	8292.0
Тошкент.ш	13573.7	26435.7	42458.1	50371.3	58172.7

Жалвал маълумотларидан кўриниб турибдики мамлакатимизда 2017 йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар миқдори 72155,2 млрд. сўм бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 239552,6 млрд. сўмни ташкил этган. Худудлар бўйича таҳлил қиласидан бўлсак, 2017 йилда энг кўп Тошкент шаҳрига тўғри келиб, у 13573,7 млрд.сўмни, 2021 йилда эса 58172,7 млрд. сўм бўлган. Энг паст кўрсаткич 2017 йилда Сирдарё вилоятида 1628,0 млрд. сўмни ташкил этган, 2021 йилда эса паст кўрсаткич шу вилоятга тўғри келиб 8051,8 млрд. сўм миқдорида инвестициялар асосий капиталга йўналтирилган.

Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларига жалб этилган инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар улуши 2017 йилда 10829,2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 57786,7 миллион АҚШ долларига етган, бу эса уларнинг ҳажми 2021 йилда 2017 йилдагига нисбатан 5,43 баробарга ошган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598-сон қонуннинг 34-моддасида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш кўзда тутилган.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулкий ҳуқуқларни имтиёзли ёки нолга teng харид қиймати бўйича инвесторга бериш;

солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинадиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш[3].

Имтиёзлар ва преференциялар қўйидагиларга қараб берилади:

инвестициялар ҳажмига;

инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига;

кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга;

инвестиция лойиҳасини амалга ошири соҳалари ва тармоқларига.

Инвестицияларни миқдорини, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажмини ошиши мамлакатда иқтисодий ўсишни янада жадаллаштиради. Бу эса 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам инвестицияларни иқтисодиётимизга жалб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришга асос бўлади.

**Холоса ва таклифлар:** Инвестицияларни миқдорини, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажмини ошиши мамлакатда иқтисодий ўсишни янада жадаллаштиради.

Иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш асосида инвестиция тушунчасига қўйидаги таъриф берилди: “Инвестиция - даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти объектларига кўйилган пул маблағлари, қимматли қофозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар, пул қийматига эга бўлган бошқа ҳуқуқлар”.

Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқлар ва йигимлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, йирик солиқ тўловчиларни инвестиция киритишни янада жадаллаштириш мақсадида солиқлар бўйича имтиёзларни янала кенгайтириш зарур.

### **Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидағи нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/5077.24.03.2022>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022–2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"ги ПФ-60-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги ЎРҚ-598-сон қонуни.
4. Федеральный закон "Об инвестиционной деятельности в Российской Федерации, осуществляющейся в форме капитальных вложений" №39-ФЗ. 2022
5. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investitsiya.5.10.2022>.
6. QOMUS.INFO <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/investitsiya-uz/>. 30.09.2022.
7. Рафиков О.Д. Инвестиции. Учебник, Изд. КНО-РУС, 2014 г., 142 стр.
8. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини таомилластириш ўналишилари. Монография.Т.;"IQTISODMOLIYA",2006,16-бет.
9. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. (Монография). Тошкент. 2017.
10. Маҳмудов С. Б. Инвестицияларни молияластиришда инвестицион муҳитини таомилластириш. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2020-yil 4/2020 (№ 00048) <http://iqtisodiyot.tsue.uz>.
11. Крутских Д. Б. Сущность инвестиционной активности региона. вестник вгту. серия: экономика и управление. 2011. № 1.
12. Саляхова Э.А. Особенности управления инвестиционной активностью организаций с учетом стадии ее развития. Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки № 3 (173) 2013. 74-76 стр.
13. Салимов Л. Н. Сущность инвестиционной активности и её значение в управлении региональной экономики // Вестник Челябинского государственного университета.2009. №9 (147). Экономика. Вып. 20. С. 83-88.
14. Маркусенко М.В. Влияние инструментов валютной политики на инвестиционную активность Белорусских товаропроизводителей.Стратегические решения и риск-менеджмент. 2015;(6):82-89. <https://doi.org/10.17747/2078-8886-2015-6-82-89>. 3.10.2022.
15. Ананыина В. Коэффициент инвестиционной активности. <https://finzz.ru/коэффициент-инвестиционной-активности-норматив-расчет.html>. 29.09.2022.
16. ухло С.В. Ограничения инвестиционной активности промышленных предприятий в начале 2022 года. Мониторинг экономической ситуации в России: тенденции и вызовы социально-экономического развития 2022. № 2(155). Февраль.
17. 2022 году инвестиционная активность в странах ближнего зарубежья продолжает расти. <http://infoline.spb.ru/newc/?newc=221949>. 29.09.22.
18. <https://yuz.uz/news/tatariston-respublikasi-investitsion-rivojlanish-agentligi-rahbari-bilan-uchrashuv.4.10.2022>.
19. Ўзбекистонда қайси давлатларнинг капитали иштирокидаги корхоналар сони кўп? <https://bugun.uz/2022/09/12/ozbekistonda-qaysi-davlatlarning-kapitali-ishtirokidagi-korxonalar-soni-kop-2/5.10.2022>.
20. Файбуллаев О.Б) Инвестицион салоҳиятини аниқлашнинг услугий масалалари таҳлили. Мақола. 2021 йил.8 (164)-сон 65-70 б.
21. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investitsiya.5.10.2022>.
22. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (1), 321–328. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9190](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190)
23. Isaev, F. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
24. Isaev F. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишини таомилластириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
25. Курбанов З.Н., Isaev F.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа //актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации. – 2017. – С. 246-254.
26. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 294–301. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
27. Isaev F. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси." //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
28. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни таомилластириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)
29. Isaev, F. (2022). Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурати. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
30. Курбанов З., Isaev F. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари //Экономика и образование. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.